



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 28 сентябрь, № 202 (7432)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАҚСАД ФАҚАТ ИЧКИ БОЗОР ЭМАС



Қувонарлиси, бугун ана шу ғамхўрлик ва имкониятларни яхши англаб, дахлдорлик туйғуси билан яшаётган тадбиркорларимиз тобора кўпаймоқда. Сўнгги йилларда Оролбўйи минтақасида ўнлаб замонавий корхоналар фаолияти йўлга қўйилгани фикримиз тасдиғидир.

Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги қарори асосида ташкил этилган “Nukuselektroapparat” масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири.

— Корхонамиз йилгига 1100 донна трансформатор нимстанцияси тайёрлаш қувватига эга, — дейди унинг бош директори Марлен Ибраимов. — Бунинг учун ишлаб чиқариш жараёнига чет элнинг юқори технологиялари кенг жорий этилди. Натижа ҳам шунга яраша. Аниқроқ айтиладиган бўлсак, ички бозорни шу

турдаги махсулотлар билан таъминлашдан ташқари, хорижлик ҳамкорларимизга ҳам буюртмаларни ўз вақтида етказиб бераймиз. Бу ютуқларда корхонамизда меҳнат қилаётган 222 нафар ишчи-ходимнинг хизмати катта. Шундан келиб чиқиб, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, ҳар бир ходимни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини ҳам кўряймиз.

— Мен бошқараётган компьютерлаштирилган ускунада дастлаб махсулотнинг чизмаси акс этирилиди, — дейди оператор Анвар Ишчанов. — Сўнгра трансформатор учун ишлатиладиган тунука керакли йўсинда бўкилиб, кесилди. Бу амалиёт бошида мураккабдек туюлган бўлса-да, ҳаракат қилиб, ўзлаштириб олдим. Ҳозирги кунда режа ва вазифаларни ўз вақтида удалаётган.

Тадбиркорлик қарерда кенг қулоч ёйди? Албатта, бунинг учун қулай муҳит ва шароит яратилган жойда. Қайд этиш кераки, кейинги пайтларда юртимизда ушбу масала, яъни тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Ишбилармонларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун нимаки зарур бўлса, барчаси ташкил этилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳам доимий эътиборда.

»»» Ташаббус



Изланишлар ўз самарасини бермоқда. Гап шундаки, корхона жамоаси ўтган давр мобайнида саккиз хилдаги трансформатор нимстанцияси тайёрлашни тўлиқ ўзлаштирди. Уларнинг асосий харидорлари эса “Ўзэнерготаяминлаш” акциядорлик жамияти, “Автосаноатинжиниринг” масъулияти чекланган жамияти ҳамда Россиянинг “Роснефть” компанияси ҳисобланади.

Энг муҳими, махсулотга буюртмачи тайёр. Шунга яраша жамоа ҳам маррани юқори олиб, махсулотни келгусида хориж бозорларига янада кенгроқ кириб боришни, бу орқали юртимиз иқтисодиёти раванқига ҳисса қўишни мақсад қилишган.

Ҳидоят АҲМЕДОВ
(«Халқ сўзи»).



Хосон ПАЙДЎЕВ олгон суратлар.

Муносабат

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ПАСАЙТИРИЛДИ

Бу тадбиркорларга жуда катта имкониятдир.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соҳа вакиллариининг эмин-эркин фаолият юритиши учун қулайлик яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар қўламини низоҳатда кенг.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар, айниқса, кейинги йилларда янада жадаллашди. Жумладан, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида солиқ юқини изчиллик билан камайтириш, тадбиркорлик субъектларини соликка тортиш тизимини соддалаштириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш борасида амалий тадбирлар қўрилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 26 сентябр-

даги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тенг рақобат ва шарофат солиқ маъмурчилиги борасидаги ислохотларнинг мантқий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши юртдошларимиз, хусусан, ишбилармонлар томонидан катта мамнуният билан қутиб олинди.



Хамжихатлик

Сиань – Тошкент – Сиань йўналиши бўйича биринчи чартер ҳаво қатнови йўлга қўйилди

27 сентябрь кунин Хитой Халқ Республикаси Шэньси провинциясининг маъмурий маркази — Сиань шаҳрида жойлашган “Сяньян” халқаро аэропортида “Zhejiang long Airlines Co.Ltd” авиакомпанияси томонидан Сиань — Тошкент — Сиань йўналиши бўйича биринчи чартер ҳаво қатновининг очилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Шэньси провинцияси маъмурияти расмийлари, “Zhejiang long Airlines Co.Ltd” авиакомпанияси, “Western Airport Group” аэропорти, Ўзбекистон Республикасининг Хитойдаги элчихонаси, Сиань шаҳри раҳбарияти ва кенг жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ушбу ҳаво қатновининг очилиши мамлакатимизга келаётган хитойлик сайёҳлар сонини янада кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон-

нинг ХХРдаги элчихонаси ва “Zhejiang long Airlines Co.Ltd” компанияси томонидан ўзаро ҳамкорликда олиб борилган изчил саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси бўлди.

“Zhejiang long Airlines Co.Ltd” авиакомпанияси сайёҳлар оқими борган сари кўпайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.



БМТ Махсус маърузачиси ташрифининг якунлари:

ТАФСИЛОТЛАР, ТААССУРОТЛАР, ТАВСИЯЛАР

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ АКМАЛ САИДОВ БИЛАН СУХБАТ.

— БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян шу йил 19 — 25 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Аввало, ушбу ташрифнинг муҳим хусусиятлари ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Фикримча, БМТ Махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян мамлакатимиздаги давлат ҳокимияти органларининг барча биринчи раҳбарлари билан учрашиб, юзма-юз мулоқотда бўлгани мазкур ташрифнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, у Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қабулида бўлганида мамлакатда 2016 йилдан буён изчил амалга оширилаётган ноёб ислохотлар дастури ҳақида атрофлича фикрлашнинг имконига эга бўлганидан мамнунигини изҳор қилди. Давлатимиз раҳбарининг етакчилик салоҳиятини, миллий ва халқаро даражадаги ташаббуслари, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларини эътироф этди.

Ўзбекистон Конституцияси 11-моддасига мувофиқ, мамлакатимиз давлат ҳокимияти тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади. Шу маънода, суд тиз-

имининг фаолиятига қонун чиқарувчи ҳокимият ҳам, ижро этувчи ҳокимият ҳам аралашishi мумкин эмас.

Худди шу принцип БМТ Махсус маърузачисининг Ўзбекистонга ташрифидан қўзлаган мақсади билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун у қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мутасаддилари билан қўллаб-қувватлаш ўтказди.

Жумладан, қонун чиқарувчи ҳокимият тизимини оладиган бўлсак, Олий Мажлис Сенати Раиси, Қонунчилик

палатаси Спикери ва Омбудсман билан мулоқотда бўлди.

Ижро этувчи ҳокимият тизимидан — ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори, адлия вазирлиги, ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, шунингдек, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги ички ишлар, адлия ҳамда прокуратура органлари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Ҳар икки вилоятда Президент Халқ қабулхоналари мутасаддиларининг ишлари билан танишди.

Суд ҳокимияти тизимини олиб қарайдиган бўлсак, Олий суд раиси, Конституциявий суд раиси, Судьялар олий кенгаши раиси ва Судьялар олий мактаби раҳбари, бундан ташқари, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари, шаҳар,

туманлараро судлар раҳбарлари ва судьялар билан учрашганини айтиш лозим бўлади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси юртимиздаги фуқаролик жамияти институтларида ҳам учрашувлар ўтказди. Адвокатлар палатасида адвокатлар билан мулоқотда бўлди. Бундан ташқари, ҳуқуқ ҳимоячилари билан суҳбатлашди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллариининг давра суҳбатида ҳам иштирок этди.

Шунингдек, жаноб Диего Гарсия-Саян билан Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетида бешта олий таълим муассасасидан ҳам бўлган 100 нафардан зиёд ҳуқуқшунос талаба-ёшлар ўртасида жуда қизиқарли учрашув бўлди. Бу учрашувда Халқаро Вестминстер университети, Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари, Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳамда Бош прокуратура Академияси тингловчилари қатнашди.

Бундан ташқари, БМТ Махсус маърузачиси ташрифининг якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани ўтказди. Мазкур тадбир тўғридан-тўғри эфирга узатилди.



«Сайлов — 2019»

“...Сайловчиларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни махбурлаш ва ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади...”

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 38-моддасидан.

Ҳамкорликка оид келишувлар имзоланди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти ва Ўзбекистон Карлар жамияти билан сайлов жараёнларида ўзаро ҳамкорлик қилиш борасида келишувлар имзолади.



Мазкур жамиятлар билан ҳамкорликда тузилган ишчи гуруҳи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига шу йил 22 декабрь кунин бўлиб ўтадиган сайлов жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, яъни сайлов участкаларида қонун талаблари асосида уларга шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди.

Бинобарин, Сайлов кодексига ногиронлиги бўлган фуқаролар ўзининг барча конституциявий ҳуқуқларини, жумладан, сайлов ҳуқуқини бошқа фуқаролар билан тенг ва эркин амалга оширишлар-

ри учун зарур имкониятлар яратиш алоҳида белгилаб қўйилган.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси сайловларга тайёргарлик жараёнида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳам жиддий эътиборга олаётгани қайд этилди.

Айни пайтда сайлов участкалари биносини ва овоз бериш хоналарини танлаш ҳамда жиҳозлашда Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг овоз бериш жойига келиб-кейтиши, бинога кириб-чиқиши, бино ичида ҳаракатлани-

ши, эркин ва тўсиқларсиз овоз бериши учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш ишлари олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, овоз бериш хоналарига олиб борувчи кўрсаткичлар кўри-нари жойга ўрнатиляпти. Участка сайлов комиссияси биносидан сайлов кунини малакали тиббиёт ходимларининг наватчилиги ташкил этилади.

Депутатликка номзоди кўрсатилган ижтимоий фаол ногиронлиги бўлган шахслар ўз сайловолди дастурини тузиши ва уни сайловчилар ўртасида кенг тарғиб қилишида ҳам ҳар томонлама қўмаклашляди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси билан мазкур жамиятлар ўртасида имзоланган келишувлар ногиронлиги бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини самарали таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Юнус БЎРОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Парламент ҳаёти

Томчилатиб суғориш:

ИМКОНИАТЛАР ЕТАРЛИ, АММО НАТИЖА ЭСА...

Статистик маълумотларга қўра, бугунги кунда мамлакатимизда фойдаланиладиган сувнинг қарийб 20 фоизи республикамиз ҳудудида ҳосил бўлади, қолган 80 фоизи трансгегаравий дарёлар — Амударё ва Сирдарёдан олинади. Юртимизда бир йилда ўртача 44 — 48 миллиард м³ сув ишлатилиб, уларнинг асосий қисми, аниқроғи, 85 фоизидан ортиғи қишлоқ ҳўжалигида суғориш мақсадларига сарфланади.

Оғрикчи масала шундаки, ҳозирги вақтда 3 миллион 200 минг гектар ерга 46 миллиард куб метр сув сарфланиб, унинг 60 фоизи экинларга етиб борапти, холос. Чўнки 180 минг километр суғориш тармоқларининг 23 фоизи бетон қопламали бўлиб, улар ҳам 30 — 35 йилдан буён деярли янгиланмаган. Бу эса сувдан оқилона фойдаланиш, сув тежовчи илгор технологияларни жорий қилиш, айниқса, томчилатиб, ёмғирлатиб, тўпроқ остидан, эгатларга плёнка тўшаб ва кўча эгилувчан пластик қувурлар ёрдамида суғориш технологияларидан кенг фойдаланишни талаб этади.

Айни ушбу мақсадларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштиришда тежамкор технологияларни қўллаган деҳқон ҳамда фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳўжжатлар қабул қилинган.

Хусусан, тегишли ҳўжжатга асосан, экин майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини татбиқ этиш учун гектарига 8 миллион сўм миқдоридидаги субсидия ажратилади. Шунингдек, Солиқ кодексининг 367-моддасига биноан ер участкасининг томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган қисмида 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилиши белгиланган. Булар соҳа ривожига катта туртки бўляпти.



МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЗАРУРАТИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш: миллий амалиёт ва хорижий тажриба” мавзуда анжуман ташкил этилди.

Сўнгги йилларда республикаимизда илм-фанны ривожлантириш самарадорлигини янада юксалтириш, инновацион технология ва ишланмаларни иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларига жорий этиш йўналишида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган олим ва мутахассислар сони кўпаяпти.

Жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог

кадрлар аттестациясига оид тартиб-қоидаларнинг такомиллаштирилиши натижасида диссертацияни дастлабки муҳокамадан ўтказувчи илмий семинарлар сони кескин қисқартирилди, илмий кенгашининг эксперт комиссияси тугатилди. Илмий даража ҳамда илмий унвонлар олиш бўйича Олий аттестация комиссиясига тақдим этиладиган ҳўжжатлар сони ўрта ҳисобда 43 фоиз камайтирилди.



Халқаро конференция

ЭЛЕКТРОН СУДЛОВ

ҲАММА УЧУН ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда электрон судлов тизимини ҳаётга кенг татбиқ этиш чоралари қўрилмоқда. Бу борада дастлабки натижаларга эришилди. Аммо ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам кўп...

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ва БМТ Тараққиёт дастури қўша лойиҳаси доирасида ташкил этилган халқаро конференцияда ана шу масала атрофлича таҳлил қилинди.

“Ўзбекистонда электрон судлов: бугунги ҳолати ва 2025 йилга қадар ривожлантириш истиқболлари” мавзуи-

даги мазкур тадбирда маҳаллий ҳамда хорижий давлатлардан келган 100 нафардан зиёд экспертлар иштирокида юртимизда электрон судлов, хусусан, “E-SUD” миллий электрон судлов ахборот тизимини ривожлантириш борасида эришилган натижалар ва уни янада кучайтириш истиқболлари бўйича ўзаро тажриба алмашилди.



Сиань – Тошкент – Сиань йўналиши бўйича биринчи чартер ҳаво қатнови йўлга қўйилди



◀1

У Ўзбекистонда мавжуд бой ва бетақроқ сайёҳлик имкониятлари Хитойда фаол тарғиб этилаётгани, Самарканд, Бухоро, Хива, Тошкент ва бошқа тарихий шаҳарлар ҳамда уларнинг бағрида жойлашган дунёга машҳур диққатга сазовор масканлар ўз мамлакати саёҳатчилари ўртасида тобора оммалашиб бораётганини бунинг сабаблари сифатида тилга олди.

Маълумот тариқасида қайд этиш жоизки, 2011 йилда ташкил топган “Zhejiang long Airlines Co.Ltd” компанияси ички, ташқи ва юк авиаташуулари ҳуқуқини берувчи тўлақонли лицензияга эга. У “A320” русумли 44 та йўловчи ташувчи ҳамда 3 та “B737 full” русумли юк ташувчи ҳаво кемасига эга. Мазкур самолётлар 269 йўналиш бўйича Хитойнинг турли шаҳарлари ва Япония, Жанубий Корея, Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари бўйлаб ҳаво қатновларини амалга оширади.

Мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси раҳбари Б. Саидов тантанали маросим қатнашчиларини ушбу чартер ҳаво қатновининг очилиши билан кутлар экан, бу икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар, жумладан, сайёҳлик алмашувларини янада ривожлантириш йўналишида хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда олиб борилган фаол саяёҳ-ҳаракатлар натижаси бўлганини қайд этди.

Мамлакатимизда 2019 — 2025 йилларда туризм жабҳасини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унга кўра, 2025 йилга қадар соҳа ривожланишининг асосий йўналишлари, бу йўналишдаги аниқ мақсадлар белгилаб олинди. Ўтган давр мобайнида мазкур ҳужжат

ижроси йўлида эътиборга молик бўлган кўп ишлар амалга оширилди. 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Хитой Халқ Республикаси фуқаролари учун Ўзбекистонга киришда визасиз режими татбиқ этиш тўғрисидаги Фармонни имзолади. Унга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб, Хитой Халқ Республикаси фуқаролари Ўзбекистон халқаро аэропортлари орқали 7 кундан кўп бўлмаган муддатга Ўзбекистонга визасиз кириш тартиби белгиланди.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг логистика жозибадорлигини тубдан яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳаллий аэропортлар орқали парвозларга хорижий авиакомпанияларни жалб этиш, Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилашга амалий жиҳатдан ёндашилмоқда.

Шёнси провинциясидан Тошкентга биринчи чартер ҳаво қатновининг Сиань шаҳридан Тошкентга йўл олишда ҳам раъзий маъно бор. Тарихдан маълумки, ҳаҳонга машҳур Буюк Ипак йўли айнан Сиань шаҳридан бошланган. Сиань тарихда “Чанъань” деб номланган. Ушбу шаҳар мамлакат тарихидаги ўндан зиёд сулолалар ҳукмдорлиги давридаги Хитой пойтахти бўлган. Бугунги кунда ҳам Сиань мамлакатда алоҳида даврғага эга. У Хитойнинг ривожланган инфра-тузилмага эга йирик саноат ва сайёҳлик маркази ҳисобланади.

Шухрат УМИРОВ,
«Дунё» АА.
Сиань

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТУВЧИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Чунончи, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш жараёнлари тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, уларнинг шаффофлигини ошириш орқали коррупция билан боғлиқ омилларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Парламент кўйи палатасидаги бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида тайёрланган “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қизгин мунозараларга сабаб бўлди.

Фракция аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасида тақлиф этилаётган нормалар энергия ресурслари харажатларини оптималлаштиришга, энергия ресурслари истезмоли самарадорлигининг тизимли мониторингини амалга оширишга, истеъмоқ қилинаётган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган чора-

тадбирларни белгилашга, мамлакатда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни мустаҳкамлаш ҳамда бюджетга тушумларни кўпайтиришга ҳамда аҳолининг реал даромадларини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муфассал кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳаси 8 боб ва 51 моддадан иборат бўлиб, унда наркологик касалликларга мубтало бўлган шахсларни мажбурий даволаш, наркологик экспертиза ва тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги бандлар ҳамда ҳозирги кунга қадар миллий қонунчиликда мавжуд бўлмаган “наркологик ёрдам”, “психоактив моддалар”, “наркологик касалликларга мубтало бўлган шахсларнинг тиббий ижтимоий реабилитацияси”, “мажбурий даволаш” каби янги тушунчалар акс эттирилган.

Депутатлар айтганидек, ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда халқаро тажриба ҳам чуқур таҳлил этилди. Мисол учун, бугунги кунда бир қанча мамлакатларда сурункали алкоголизм ва гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш суд томонидан белгиланади. Айрим давлатларда мажбурий да-

ЭЛЕКТРОН СУДЛОВ

ҲАММА УЧУН ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ

◀1

Қайд этилганидек, электрон судлов тизимини амалиётга изчил татбиқ қилиш соҳада олиб

борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида белгиланган бўлиб, судга мураж-ат қилиш жараёнини соддалаштириш ва шу орқали фуқаролар

ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончи ҳимоя қилиш масаласига устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

— Таиландда маъмурий судлар фаолиятига АКТ қандай татбиқ этилгани хусусида маълумот беришдан ташқари, юртингизда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдим, — дейди таиландлик эксперт Радапат

Чонгтаммакун. — Мазкур тизим фуқаролик ишлари бўйича судларда ўзини оқлаётган экан, энди уни бемалол бошқа судлар фаолиятига ҳам татбиқ этиш мумкин. Шунда судлар шаффофлиги ошади, муҳими, фуқаролар оғири енгил бўлади.

Тадбир доирасида электрон одил судлов тизимини татбиқ этиш бўйича илгор хорижий

тажриба ўрганилди ҳамда уни мамлакатимизда қўллашнинг самарали восита ва усуллари белгилаб олинди. Ўз навбатида, Ўзбекистонда АКТни жорий этишнинг бугунги ҳолати ҳамда ушбу соҳанинг қонунчилик асоси муҳокама қилинди. “Мета” ахборот воситасини суд тизимида қўллаш ва электрон ахборот судлов тизими бошқа давлат органлари

ахборот тизимлари билан уйғунлаштириш масаласи ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлди.

Конференцияда суд ходимларини ўқитиш ва тайёрлаш услублари ҳамда қонунчиликни бугунги кун талаблари асосида тақомиллаштириш масалари кўриб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

Марказий моддий-техник таъминот базаси 2019 йил пахта мавсумида теримчиларни зарурий озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун, жумладан, нон, тухум ва пишлоқ маҳсулотларини харид қилиш юзасидан марказлаштирилган тартибда

танлов савдоси ўтказилади.

№	Озик-овқат маҳсулотининг номланиши	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Нон	кг.	1 350 000
2	Тухум	дона	960 000
3	Пишлоқ	кг.	21 600

Танлов савдоси 2019 йилнинг 30 сентябрь куни соат 10.00 да Тошкент вилояти, Қийраб тумани, Салар аҳоли яшаш пункти ўР MB Марказий МТТ базаси биносида ўтказилади.

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
90-982-34-53, 90-987-05-35.

ўР MB Марказий МТТ базаси маъмурияти.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

2020 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)га қабул эълон қилади:

Т/Р	Шифри	Ихтисослик номи
1.	08.00.12	Минтақавий иқтисодиёт
2.	08.00.02	Макроиктисодиёт
3.	08.00.10	Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.

Таянч докторантура (PhD)да ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим магистратураси дипломи нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.
- Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширади. Талабгорларда IELTS (ўртача балли камида 5,5) TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), тайёрланган даст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда, чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Докторантура (DSc)да ўқиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.
- Докторантурага талабгорлар коллежалар томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади.
- Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат 2019 йилнинг 1—25 ноябрь кунлари ўтказилади.

Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Ислон Каримов шоҳқўчаси, 49-уй.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети бош биноси 14-қават, 14-07 хона.

Телефон: 71-239-29-42.

web-site: www.cedr.uz e-mail: info@cedr.uz

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти

2020 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича танлов эълон қилади:

таянч докторантура (PhD):

06.01.03 — Агротупроқшунослик ва агрофизика — 1 ўрин.
03.00.13 — Тупроқшунослик — 2 ўрин.

Қабул Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарори билан тасдиқланган Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом талаблари асосида амалга оширилади.

Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.
Талабгорлар <http://phd.mininnovation.uz/> расмий сайти орқали рўйхатдан ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Камарнисо кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 71-246-09-50, 71-227-19-80. Факс: 71-246-76-00.

Вниманию организаций
и предприятий!

ООО ИК «QISHLOQQURILISHINVEST»

объявляет о проведении конкурса по отбору наилучших предложений на реализацию проекта в рамках государственного заказа на 2019 год.

- Предмет отбора наилучших предложений: Разработка и внедрение программного обеспечения (разработка документации на создание и стратегию внедрения, внедрение, ввод в эксплуатацию и сопровождение ИС) по проекту «Создание программного обеспечения автоматизированной системы интерактивного контроля строительства ООО ИК «QISHLOQQURILISHINVEST».
- Срок реализации проекта — до 1 января 2020 года.
- Вид отбора наилучших предложений — открытый.
- В отборе наилучших предложений могут принять участие юридические лица (осуществляющие свою деятельность на территории Республики Узбекистан), имеющие опыт выполнения аналогичных по характеру работ, выполнившие квалификационные требования для участия в конкурсе, которым законодательством Республики Узбекистан не запрещено участвовать в отборе наилучших предложений и/или в выполнении аналогичных по характеру работ в Республике Узбекистан.
- Наименование и адрес рабочего органа комиссии по отбору наилучших предложений:
Управление ООО ИК «QISHLOQQURILISHINVEST»
Адрес: 100060, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Шахрисабз, 36.
Телефон 78-147-94-18, факс 78-147-94-12.
- Для получения документации по отбору наилучших предложений необходимо обратиться с запросом в рабочий орган комиссии по отбору наилучших предложений по вышеуказанному адресу.
- Последний срок приема предложений — один месяц со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.

Тошкент уй-жойдан фойдаланиш қисми

трансформаторларни дастлабки таъмирлаш ишларини ўтказиш учун танлов эълон қилади.

Иш мазмуни: авария ҳолатида бўлган трансформаторларни дастлабки таъмирлаш.

Талаб қилинади: 3 дона «ТМ — 400/6 кВа» ва 2 дона «ТМ — 400/10 кВа» трансформаторларни дастлабки таъмирдан чиқариш.

Объектлар: 77692 ҳарбий қисм, Ёқилғи марказий базаси, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти.

Танловга тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар:

- тижорат таклифи;
- мазкур ишларни олиб бориш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома;
- низом, бош директорнинг паспорт нусхаси, иш бажариш учун тасдиқланган дастлабки смета ёки калькуляция. Охириги иш бажарган жойдан тавсия (агар бўлса).
- шартнома тузиш жараёнида — гувоҳнома ва низомнинг нотариал тасдиқланган нусхаси, солиқ инспекцияси ҳамда банкдан кредитор ва дебитор қарздорликлари йўқлиги ҳақида маълумотномалар.

Шартнома 15 % олдиндан тўлов ва иш бажарилганидан кейин, ҳисобварақ-фактура ҳамда иш бажарилганлигини тасдиқловчи далолатномаларга асосан 85 % лик тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Танловда қатнашиш учун мурожаатлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади:
71-289-60-12, 71-289-42-79.

(“Халқ сўзи”нинг навбатдаги сони 29 сентябрь, якшанба куни чиқади).

Халқаро шарҳ

70 йиллик шонли йўл

Мамлакатимизнинг стратегик шериги — Хитой Халқ Республикаси 1 октябрь кuni ўзининг давлат байрамини, юбилей санасини нишонлайди. Шу боис у кенг миқёсда ўтказилади.

ХХР ташкил этилганидан буён сўнгги 70 йил ичида бутун мамлакат бўйлаб очиқлик сиёсати ва кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Пировардида давлат жадал тараққиёт йўлига чиқиб олди. «Синьхуа» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда тайёрланган ушбу мақолада Хитойда юз берган олти та муҳим ўзгариш ҳақида сўз юритилади.

1. Умр кўриш давомийлиги ошди

1949 йилда Хитой Халқ Республикаси ташкил топганидан буён ўтган 70 йил ичида мамлакат аҳолисининг умр кўриш давомийлиги 35 ёшдан 77 ёшгача кўтарилди. Буни Хитой давлат статистика бошқармаси томонидан эълон қилинган маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Унга кўра, 1949 йилда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 35 ёшни ташкил этарди. 1957 йилда бу кўрсаткич 57, 1981 йилда 68, 2018 йилда эса 77 ёшга етди.

81 ёшли ўқитувчи Чэнь Чжисян Шэньси провинциясининг Сиан шаҳри (Шимол-Ғарбий Хитойда) воёга етган.

— Ўша вақтларда, яъни болалигимизда овқат ёки кийим-кечаклар тақчил эди, — дея эслайди у. — Шунинг-

— Ўтмишни кўп эслаيمان, — дейди у. — Ўша пайтлари кунининг кўп қисми далада ўтиб кетарди. Ҳосилни йиғиб олиш, сўнгра келаси мавсумга уруғ қадаш осон иш эмасди. Иссиқ ҳавода офтоб уриши одатий ҳол эди.

2019 йилнинг биринчи ярмида ҳар соатда ҳар бир хитойлик мамлакат яли ички маҳсулотига 7,4 юань (тахминан 1 АҚШ доллари) миқдорига ҳисса қўшди, бу 1952 йилдаги кўрсаткичдан 500 баравар кўп.

Хитойлик истеъмолчилар томонидан интернетга сарфланган пул миқдори соатига 1,1 миллиард юанга тенг. 1952 йилда мамлакатда истеъмол товарларининг умумий чакана савдоси атиги уч миллион юанни ташкил этганди.

1949 йилда аксарият хитойликлар бошқа хориж давлатларига саёҳат қилишни ҳаёлига ҳам келтиролмасди.



Шу кунларда хитойлик сайёҳларнинг чет элга амалга ошираётган сафарлари соати-га 19 мингтага тўғри келяпти.

Мамлакат шимол-ғарбий қисмида жойлашган Шэньси провинцияси Шэнью шаҳарчасида йирик кўмир базиси мавжуд. Бу ердаги битта конда кўмирнинг қазиб олиниши 1949 йилдаги мамлакат бўйича умумий кўрсаткичдан анча юқори. Конда ҳар соатда ўртача 3700 тонна кўмир қазиб олинади.

Хитой бугунги кунда энг йирик иккинчи иқтисодий кудратга эга давлатга айлан-ди. Бу ерда катта валюта захира-лари, энг йирик ижтимоий таъминот тизими ҳамда энг улкан саноат ишлаб чиқариш қуввати мавжуд.

Вакт — энг олий ҳакам. Соат милла-ри кейинги 60 дақиқани ҳисоблашни бошлаган бир вақтда Хитойда янада улғувор янги мўъжизалар яратилаётган бўлиши, шубҳасиз.

3. Қолоқ қишлоқ хўжалигидан — кудратли саноатга

70 йил аввал Хитой ўз аҳолисини боқиш учун бор кучи билан ҳаракат қиладиган қолоқ қишлоқ хўжалигига эга мамлакат ҳисобланарди. Замонавий Хитой эса глобал саноат занжирининг акралмас етказиб берувчисига айлан-ди. Бу ерда деярли барча нарсаси ишлаб чиқарилади ва экспорт қилинади: истеъмол товарларидан тортиб, то тезорар поездларгача.

Куйида Хитой саноат кучидаги сил-жишлар ва унинг келажиги ҳақида та-саввурга эга бўлишга ундайдиган ўзга-ришлар тўғрисида қисқача тавсиф берилади.



Нолдан «дунё фабрикаси» гача

Бир вақтлар фақатгина тоғ-кон ҳамда тўқимачилик саноатларига ва баъзан оддий ишлаб чиқариш тармоқ-ларига эга Хитой ҳозирги кунда барча саноат тармоқларини қамраб олувчи «дунё фабрикаси»га айланди. Бунга, аввало, бошқа ривожланган мамлакат-лардан фарқи ўлароқ, ишчи кучи ва ишлаб чиқаришга кам сарф-харажат-лар ажратилгани асосий сабаб бўлиб хизмат қилди.

70-йилларнинг охирида бошланган ислохотлар ва очиқлик сиёсати ишби-лармонларга ўз бизнесларини йўлга қўйиш, қийинчиликларни енгиб ўтиш ва кичик дўконларни йирик компаниялар-га айлантириш имконини берди.

Мамлакат ишлаб чиқаришда қандай қилиб кўтарилди?

XXI асрда Хитой замонавий саноат ти-зимини шакллантирган ҳолда юқори те-хнологияли ва илғор ишлаб чиқариш тар-моқларига эътибор қарата бошлади.

Дўконлардаги анъанавий «Made in China» деган ёрликларни ифодаловчи маҳсулотлардан ташқари, Хитой тез-юрар поездлар ва яримўтказгичли то-варларни саноатнинг янги тимсолига айлантормоқда. Масалан, 2017 йилда қишлоқ технологияли тармоқлардан олинган даромад 15,9 трлн. юань (тах-минан 2,2 трлн. АҚШ доллари)ни таш-кил этди, бу 2012 йилнинг мос даври-дагига нисбатан 55,8 фоиз кўпдир.

Бундай тез суръатдаги ривожланиш-нинг ўзига хос сабаби бор, албатта. Гап шундаки, мамлакатда барча изла-ниш, тадқиқот ва ишланмаларга мун-тазам равишда йирик миқдорда инвес-тиция ажратилади. Хусусан, харажат-лар 83,6 фоиз — 318,3 миллиард юан-га ошган.

5G технологиясидан бошланган янги давр

Сўнгги ўн йилликлар давомида Хитойнинг саноат ривожланиши бошқа давлатлар билан очик ҳамкорликдан фойда кўрди. Пировардида у нафақат ўсиб борди, балки бозорнинг бошқа иштирокчилари учун ҳам кўпроқ имко-ниятлар яратишга ёрдам берди.

2019 йилнинг июнь ойида Хитой 5G технологиясидан тижорат мақсад-ларида фойдаланишни йўлга қўйгани-ни расман тасдиқлади. Натижада ўта юқори тезликдаги симсиз технология «акли» маҳсулотлар, хизматлар бозо-рини бirlаштирди ва шу орқали янги давр бошланди.

«Nokia», «Ericsson», «Qualcomm» ва «Intel» каби хорижий компаниялар 5G иштирокидаги тажрибаларда мун-тазам қатнашди. Улар маҳаллий кор-хоналар сингари 5G тармогини яратиш, қўллаш ва илгари суришда фаол иштирок этиб, ушбу секторни ривож-лантиришга муҳим ҳисса қўшмоқда.



5G жараёни кўрсатганидек, Хитой-нинг саноатдаги интилишлари маҳал-лий ва хорижий компанияларга кенг имкониятлар олиб келмоқда. Қисқача айтганда, саноатни модернизация қилиш Хитой бозори ва иқтисодиётини бутун дунёга очишга хизмат қилади.

4. Фалла етиштириш қарийб беш баравар кўпайди

ХХР давлат статистика бошқармаси маълумотларига кўра, сўнгги 70 йил ичида мамлакат қишлоқ хўжалигида жадал ўсиш кузатилди, жумладан, фалла етиштириш 4,8 баравар ўсди.

1949 йилдан буён Хитойда фалла етиштириш йилга ўртача 2,6 фоиз ўсиб, 2018 йилда 658 миллион тоннага етди. Бунинг учун Ер юзидаги тўққиз фойздан кам ердан фойдаланилади, аммо ҳосил дунё аҳолисининг қарийб 20 фоизини боқишга етади.

Хитой сув хўжалигидан оқилона фой-даланишни ривожлантириш орқали озиқ-овқат маҳсулотларининг хилмаҳиллиги-ни оширди. 1989 йилдан бери сув маҳ-сулотларини ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринни эгаллаб, 2018 йилда 64,6 миллион тоннани ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги таркиби доимий равишда оптималлаштириляпти. Ҳозир-ги кунда қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик, чорвачилик ва балиқчиликни ҳар томон-лама ривожлантиришга ҳисса қўшади-ган замонавий модель яратилди.

Қишлоқ жойлардаги ер майдонлари бўйича олиб борилган ислохотлар аграр соҳа қамровини кенгайтди. 2018 йилда 35 миллион гектардан ортқ ерга ишлов берилди.

Умуман олганда, янги турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хизмат кўрсатиш субъектлари пайдо бўлди. 2018 йил охирида 600 миңг оилавий фермер хўжалиги ва 2,17 миллион қишлоқ хўжалиги кооперативи рўйхатга олингани сўзимизга мисолдир.

5. Чет эл инвестицияларига кенг йўл

Сўнгги 40 йил ичида Хитой иқтисо-диётининг ривожланиши хорижий ин-весторлар билан қамбарчас боғлиқдир.

Натижаларнинг ортиси

Ўтган асрнинг 70-йиллари охири-да бошланган кенг кўламли ислохот-лар ва очиқлик сиёсати тез фурсатда хорижий инвесторларни жалб қилишга имкон туғдирди. Бу жараёнда, аввало, қўшма корхоналар тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

1983 йилдан 1991 йилгача Хитойга тўғридан-тўғри кириб келган хорижий инвестициялар миқдори 920 миллион-дан 4,37 миллиард АҚШ доллари-га етди. 1992 йилда Хитой ижтимоий бозор иқтисодиётини барпо этиш бўйича савй-ҳаракатларни бошлади. Ўша йили хорижий инвестициялар иштирокидаги 48,764 та корхона рўйхатга олинди. Бу охириги 13 йил ичида рўйхатдан ўтган корхоналарнинг умумий сонидан кўпдир.

1992 йилдан 1997 йилгача Хитойга йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 11 миллиарддан 45,3 миллиард доллага етди ва ўрта-ча йиллик ўсиш 32,7 фойздан иборат бўлди.

2001 йилда Хитой Жаҳон савдо таш-килотига қўшилганидан сўнг янада кўп натижаларга эриша бошлади. Хусусан, мамлакатда 100 фоиз чет эл капитални эвазига акциядорлик ва қўшма корхо-налар иш бошлади.

2018 йилда Хитойда тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 138,3 миллиард долларга етди. Агар бу рақамни 1983 йилдагига қиёсласак, ўртача йил-лик ўсиш 15,4 фоизни ташкил этиб,

151 баравар кўп эканлигини кўриши-миз мумкин.

Хитой 2018 йил охирида кетма-кет икки йил давомида тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллади ва бу кўрсат-кич билан 27 йил давомида ривожла-наётган давлатлар орасида етакчилик қилмоқда.

Ўтган йилнинг охирига келиб, Хитой-да чет эл инвестициялари иштирокида 960 мингдан ортқ корхоналар ташкил этилди ва тўғридан-тўғри инвестиция-лар ҳажми 2,1 трлн. АҚШ доллари-га етди.

Айни пайтда Хитойга 200 дан ортқ мамлакат ва минтақалардан инвести-циялар йўналтирилмоқда. 2018 йилда энг кўп инвестициялар Осиё, Европа Иттифоқи, Шимолий Америка ва эркин порт зоналаридан келди.

Хилма-хил бизнес

Хорижий компаниялар ўз бизнесини Хитойнинг жануби-шарқий ҳудудлари-да тахминан 40 йил олдин бошлаган. Уларнинг фаолияти, асосан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва юқори технологияли саноатга кенгайди.

Ақборот, молия, улғуржи ва чакана савдо, уй-жой ва овқатланиш каби хиз-матлар тобора кўпроқ сарможаларни жалб қилаётган экан, демак, учинчи сектор хорижий инвестицияларнинг асосий марказига айланмоқда.

Ўтган йили хизмат кўрсатиш соҳасида 53 696 та янги хо-рижий компания рўйхатга олинди. Бу хорижий инвестиция-лар иштирокида рўйхатга олинган барча янги компа-нияларнинг 88,7 фоиз-ини ташкил этди.

Бугунги кунга келиб компьютерлар, интеграл микросхе-малар ва «акли» ишлаб чиқаришни ўз ичига олган юқори технология соҳалари-га чет эл инвестиция-лари изчил жалб қилинмоқда.

Айни пайтда Хитойда нуфузли компа-ния ҳамда ташкилотларнинг икки минг-дан ортқ ҳудудий бош қароргоҳлари ва илмий-тадқиқот ҳамда тараққиёт марказ-лари фаолият юритади. Улар хорижий ин-вестицияларни йўналтиришни такомил-лаштириш ва саноат тармоқларини оп-тималлаштиришда асосий иштирокчидир.

Чет эл инвестициялари география-сига эътибор қаратсак, улар биринчи навбатда, мамлакатнинг жануби-шарқий минтақаларида фаолиятини йўлга қўйган бўлиб, кейинчалик чекка ҳудудлар, порт шаҳарларигача кенгайган.

Маълумотларга қараганда, 2018 йил-да шарқий минтақага йўналтирилган инвестициялар умумий хорижий сар-можаларнинг 85,5 фоизини ташкил этди. Марказий ва ғарбий минтақалар эса мос равишда 17,9 ва 20,4 фоиз инвес-тицияларни жалб қилди.

Адолатли бозор муҳити яратилади

Хитой ишбилармонлик муҳитини кенг ёйиш ва дунёнинг турли бурчаклари-дан инвесторларни жалб қилиш бўйича ўз ташаббусларини давом эттиряпти. Жаҳон банки гуруҳининг ҳисоботи-га кўра, ўтган йили мамлакат тадбир-корлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш рейтингига 46-ўринга кўтарил-ди. 2017 йилда 78-ўринда эди.

2019 йил март ойида Хитойнинг қонун чиқарувчи олий органи хорижий инвес-тициялар тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Ушбу муҳим ҳужжат 2020 йил 1 январдан қуча қиради. Мазкур ҳужжат-га мувофиқ, мамлакатда барқарор,

шаффоф, ўз келажagini тасав-вур қила оладиган ва адолатли бозор муҳити яратилади.

Бундан ташқари, олти та янги тажрибавий эркин савдо зонаси фаолияти йўлга қўйилади. Шу та-риқа уларнинг умумий сони 18 тага етади. Мазкур зоналарда хорижий инвестицияларни бошқаришнинг янги шакллари синаб кўрилади, савдо тартибини соддалаштириш ва давлат органларининг функция-ларини ўзгартириш амалиётлари жорий этилади.

Мамлакат, шунингдек, инвес-тиция квотаси чегарасини ҳам бекор қилади. Бу хорижий сар-моядорлар учун молиявий исло-хотларга хайрихоҳлик ва очиқ-лик сиёсатини қўллаб-қувват-лашга хизмат қилади.

Хитой эркин савдонинг ҳимоя қилиш ва иқтисодий глобаллашув сари инте-грациялашишга қатъий собитдир. У бутун дунёдаги сармоядорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиряпти.

6. Барча саноат тоифаларига эга давлат

Сўнгги етмиш йил ичида Хитойда са-ноатнинг қўшилган қиймати 970 мар-тадан кўпроқ ўсди. Натижада мушаккил, интеграциялашган, замонавий саноат тизими шаклланди. БМТ саноат тасни-фига мувофиқ, Хитой барча саноат тоифаларига эга дунёдаги ягона давлат, дея эътироф этилди.

Дарҳақиқат, изчил ислохотлар ва очиқлик сиёсати бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилганидан кейин саноат соҳасида сезиларли ривожланиш рўй берди. Хитой бир неча ўн йиллар ичи-да саноатлаштириш йўлини босиб ўтди. Бошқа ривожланган давлатлар учун бу янгиликларга бир неча юз йил мобайнида вақт кетди.

Жаҳон банки маълумотларига қара-ганда, 2010 йилда Хитой қўшилган қиймат бўйича ишлаб чиқариш ҳажми-да АҚШни ортда қолдирди ва қайта ишлаш саноати соҳасида дунёдаги энг



йирик давлатга айланди. 2018 йилда Хитойга тўғри келувчи қўшилган қиймат дунё миқёсидаги улушнинг 28 фойзидан ортигини ташкил этди. Бу глобал саноат ўсишининг муҳим «мотори»га айлانганидан дарак беради.

— 1949 йилда Хитойда пўлат ишлаб чиқариш ҳажми атиги 158 миң тоннага тенг бўлиб, бу дунё миқёсида атиги 0,1 фоизини ташкил этарди. 2018 йилда мазкур кўрсаткич 900 миллион тоннадан ошди. Пировардида дунёда пўлат ишлаб чиқаришнинг ярми бизнинг ҳиссамизга тўғри келмоқда, — дейди Хитой саноат ва ахборотлаштириш вазир Мяо Вэй.

Вазирнинг сўзларига кўра, мамла-кат саноат тизимини ривожлантириш-га катта аҳамият бермоқда. Ҳозирги кунда 41 асосий саноат категорияси, 207 та ўрта саноат категорияси ва 666 та кичик саноат категорияси мавжуд.

Шу билан бирга, технологик инно-вациялар миқёси доимий равишда ошиб бормоқда. 2017 йилда етакчи са-ноат корхоналарининг итиролари учун амалдаги патентлар сони сезиларли равишда ошди. Илгари баъзи техноло-гиялар дунё даражасига етишишга ин-тиланган бўлса, энди улар аллақачон дунёда етакчи ўринни эгаллаб улғурди.

Кейинги йилларда Хитой «акли» маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рив-ожлантириш бўйича ижобий натижа-ларга эришди. 2018 йилда рақамли иқтисодиётнинг яли маҳсулоти дунё-да иккинчи ўринга қўтарилиб, 31,3 триллион юанга етди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 843 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлоглар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-йў.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Гаффаров.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 22.20

1 2 3 4 5 6